

## ПРЕСС-РЕЛИЗ

*Жорий йилнинг 23 декабрь куни Ўзбекистон Анжуманлар саройида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Йил аёли” ҳамда “Гендер тенглик фаоли” миллий танловларининг Республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча жабҳаларда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, тадбиркорлик ва бошқа ташаббусларини ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, аёлнинг чинакам бахтли яшаши учун, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий, оилавий ва жамият ҳаётидаги мажбуриятларини ҳамоҳанг тарзда бажариши йўлида кенг камровли давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш, масалага комплекс ёндашиш бўйича турли механизмлар жорий этилмоқда. Бу борада “2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастури” ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидланганидек, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўналишида улкан ўзгаришлар юз берди. Жумладан, шаҳар, туман ҳокими, вазир, элчи каби масъулиятли лавозимларга аёллар тайинланди. Аёлларнинг бошқарув соҳаларидаги улуши 33 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 35 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 47 фоизга етди.

Аёлларнинг соҳалардаги улуши ҳам ортди. Улар тиббиёт тизимида 77 фоиздан кўпроқни, таълим соҳасида салкам 74 фоиз, савдода 49 фоиз, иқтисодиёт тармоқлари, саноат ва ишлаб чиқаришда қарийб 46 фоиз, маданият ва спортда 45 фоиз, қишлоқ хўжалигида 42 фоиздан зиёдни, молия ва суғурта фаолиятида 37 фоиздан ортиқни, ахборот ва алоқа хизматида 35 фоиз, профессионал, илмий ва техник фаолиятда қарийб 34 фоизни, давлат бошқаруви ва муҳофаа тизимида 27 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда.

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини гендер ҳуқуқий экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилди. Давлатимизнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги сиёсати дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотларни амалга оширган давлатлар қаторига киритилди.

Айтиш мумкинки, бугун бўлиб ўтган тадбир ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий натижаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ – 87-сон Фармони 2-илоvasи билан тасдиқланган Миллий дастурнинг 48-банди ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 27 апрелдаги КҚ-

340 – IV сонли қарорига мувофиқ, жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш ҳамда илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида “Йил аёли” миллий танловини ўтказиш белгиланган.

Танлов низомига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган 35 ёшдан юқори ҳамда ўз йўналиши бўйича фаолият билан камида 5 йил мобайнида узлуксиз шуғулланиб келаётган аёллар, шунингдек, уй бекалари танлов иштирокчилари ҳисобланади.

Танловнинг туман босқичлари **октябрь-ноябрь** ойларида ўтказилиб, унда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, оилада ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга ўзлари фаолият кўрсатаётган ташкилотлар нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа эгаларидан жами **3 202** нафар аёллар белгиланган **3 та** шарт асосида иштирок этди. Натижаларга кўра улар орасидан **1 356 нафар** иштирокчилар танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловнинг жорий йил **10-ноябрь – 7 декабрь кунлари** бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида жами 1 356 нафар аёллар белгиланган 3 та шарт асосида иштирок этиб, натижаларга кўра Республика босқичига **11 та номинация** бўйича **144 та ҳужжат** тақдим этилди:

1. “Йилнинг энг ватанпарвар аёли” - 13 та;
2. “Йилнинг энг фаол олима аёли” - 13 та;
3. “Йилнинг энг илғор тадбиркор аёли” - 14 та;
4. “Йилнинг энг яхши ижодкор аёли” - 13 та;
5. “Ўз касбининг устаси бўлган йил аёли” - 13 та
6. “Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси” - 14 та;
7. “Йилнинг энг яхши уй бекаси” - 12 та
8. “Йилнинг энг жонкуяр устози” - 14 та;
9. “Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси” - 14 та;
10. “Йилнинг энг янги ғоялар ташаббускори” - 14 та;
11. “Йилнинг энг яхши IT - дастурчи аёли” номинацияси бўйича - 9 та ҳужжат республика босқичига тавсия этилди.

“Йил аёли” миллий танловини ташкил ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси томонидан 144 нафар аёлларимизнинг ҳужжатлари танлов Низомида белгиланган шартлар асосида баҳоланиб, иштирокчиларнинг фаолияти, давлат ва жамиятда тутган ўрни, фаоллиги, шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса оила, хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ҳамда жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги билимларига эътибор қаратилди.

Танловнинг барча босқичлари Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Йил аёли” ва “Гендер тенглик фаоли” миллий танловларини ўтказиш тўғрисида” 2022 йил 27 апрелдаги КҚ-340 – IV сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ ўтказилди.

“Йил аёли” танловининг республика босқичида белгиланган 3 та шарт асосида иштирокчиларнинг тўплаган балларига қараб, олий ўрин, 1, 2 ва 3-ўрин ҳамда белгиланган номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади.

Хусусан, танловнинг **республика босқичида олий ўрин** - Гран-при ҳамда 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган иштирокчилар **Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари** ҳисобидан:

Танловда **олий ўрин** - Гран прини қўлга киритган иштирокчи олий даражадаги диплом, статуётка ва **Президент совғаси - автомобиль билан**;

**1-ўринни** олган иштирокчи 1-даражали диплом ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридаги пул мукофоти билан (**17 млн сўм**);

**2-ўринни** олган иштирокчи 2-даражали диплом ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари миқдоридаги пул мукофоти билан (**13,6 млн сўм**);

**3-ўринни** олган иштирокчи 3-даражали диплом ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдоридаги пул мукофоти билан (**10,2 млн сўм**) тақдирланади.

Шунингдек, танловда фаол иштирок этиб, белгиланган номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчилар **Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари** томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

**II. Бугун ғолиблари тақдирланган иккинчи танлов - “Гендер тенглик фаоли” миллий танлови** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87—сон Фармонининг 2-илоvasи билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар режасининг 49-бандига мувофиқ гендер тенгликни таъминлаш соҳасида идора ва ташкилотларнинг илғор тажрибасини аниқлаш мақсадида босқичда ташкил этилган.

Жорий йилнинг **октябрь-ноябрь** ойларида ҳудудларда **“Гендер тенглик фаоли”** миллий танловининг туман (шаҳар) босқичлари ўтказилиб, унда жами **1 073** та **идора, ташкилот ва муасссалар** белгиланган номинациялар бўйича иштирок этдилар.

**10-ноябрь – 7 декабрь кунлари** танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ўтказилиб, унда **400 га яқин** идора ва ташкилотларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилди, шунингдек, ҳудудий ташкилий қўмиталар аъзолари томонидан идора ва ташкилотларга чиқиб, уларда хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари таъминланганлиги ҳолатлари ўрганилди. Натижаларга кўра улар орасидан тегишли номинациялар бўйича 100 дан ортиқ иштирокчиларнинг ҳужжатлари танловнинг Республика босқичига тавсия қилинди.

Танловлар Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 27 апрелдаги “Йил аёли” ва “Гендер тенглик фаоли” миллий танловларини ўтказиш тўғрисида”ги КҚ-340-IV сон қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ташкил этилди.

Республика босқичига тегишли номинациялар бўйича қуйидагича ҳужжатлар тақдим этилди:

#### **I. Асосий номинациялар бўйича:**

1. “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика даражасидаги давлат органи (ташкilotи)” номинацияси бўйича – 11 та ташкilot;
2. “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий давлат органи (ташкilotи)” номинацияси бўйича – 13 та ташкilot;
3. “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) давлат органи (ташкilotи)” номинацияси бўйича – 12 та;
4. “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) ҳокимлиги” номинацияси бўйича – 10 та ҳокимлик;
5. “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий ҳокимлик” номинацияси бўйича – 3 та ҳокимлик;
6. “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ” номинацияси бўйича – 11 та нодавлат нотижорат ташкilotи;
7. “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик субъекти” номинацияси бўйича – 11 та тадбиркорлик субъекти.

## **II. Қўшимча номинациялар бўйича:**

1. “Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши ТВ-дастур” номинацияси бўйича – 6 та ташкilot;
2. “Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган Интернетдаги энг яхши веб-сайт ёки портал” номинацияси бўйича – 3 та ташкilot;
3. “Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши нашр” номинацияси бўйича – 3 та ташкilot.

“Гендер тенглик фаоли” танловининг республика босқичида юқори натижаларга эришиб, ҳар бир номинация бўйича 1-2-3- ўринларни қўлга киритган идора ва ташкilotлар (жами 30 та)ни ҳам 1-2-3 даражали диплом, статуётка ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ушбу танловлар сабаб қанчадан-қанча истеъдодли, ташаббускор хотин-қизлар кашф қилинганлиги, гендер тенгликни таъминлашда яхши натижаларга эришган турли вазирлик, ташкilot ва идоралар эътироф этилган тантанали тақдирлаш тадбирида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, дипломатик корпус ва хорижий ташкilotлар вакиллари, барча вазирлик ва идораларнинг раҳбар ва ходимлари, ҳудудлардан келган турли соатларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар, уй бекалари ҳамда бошқалар иштирок этди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Ахборот хизмати  
(97) 005 00 35; (90) 190 89 89